

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“Муҳандислик техника”

факультети

“Механика”
кафедраси



“Автомобиллар сервиси асослари”

фанидан



“АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”
мавзусида

РЕФЕРАТ

Тузувчи:

Текширди:

С.Ноботов
катта ўқ. Норов С.Н.

Бухоро – 2017.

МАВЗУ-. АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа:

5.1. Сотиш олди ва кафолатли техник хизмат

5.2. Турли қувватли умум АТХКС лари ва ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғланиши

5.3. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш тартиби ва қоидалари

5.1. Сотиш олди ва кафолатли техник хизмат

Сотиш олди техник хизмати автомобиллар билан савдо қилувчи барча автосервис корхоналарида бажарилиши шарт. Зеро сотишга қўйилган автомобиллар сифати ва бутлиги жиҳатидан ишлаб чиқарган автомобилсозлик компанияларининг махсус стандартларига мос бўлишлари талаб этилади.

Сотиш олди техник хизматининг бажарилишидан мақсад-харидорга техник жиҳатдан соз ва фойдаланишга яроқли автомобилни сотишдир.

Сотиш олди техник хизматига эҳтиёж эса автомобилларни сотиш жойларига етказиш ва сақлаш жараёнларида улар кузовлари ва салонларининг ифлосланиши, айрим механизмлари ва тизимларида майда носозликлар пайдо бўлиши, турли шикастлар етишидан келиб чиқади. Бундан ташқари автомобилни харидорга тақдим этишдан аввал уни кузовининг баъзи жойларидаги занглашдан сақловчи суркама мойлардан тозалаш, агрегатлари ва тизимларидаги мой ва махсус суюқликлар сатҳини текшириш ва зарур ҳолларда меъёрига келтириш, барча агрегатлари ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи механизмлари ва тизимларининг соз ва равон ишлаши текширилади ва зарур ҳолларда соланади ёки алмаштирилади. Шунингдек, автомобилнинг техник ҳужжатлари: “Автомобилдан фойдаланиш қоидалари”, “Сервис дафтарчаси”нинг автомобилга мослиги ва автомобилни бутловчи қисмлар, захира ғилдираги, махсус асбоб-анжомлари билан таъминланганлиги текширилади. Бу хизмат автомобилни ишлаб чиқарган компаниялар ҳисобидан бажарилади. Бажарилган ишлар сифатига эса бу хизматни бажарган корхона маъсул ҳисобланади. Барча аниқланган носозликлар, алмаштирилган қисмлар ва таъмирлаш ишлари содир бўлган ҳолларда бу ҳақда махсус қайдномалар тузилади ва автомобилсозлик компаниясига хабар берилади. Сотиш олди техник хизмат махсус ажратилган постларда зарурий малакага эга бўлган мутахассислар томонидан бажарилади ва бу ҳақда автомобилнинг сервис дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Сотиш олди ТХ ишларининг ҳажми автомобиллар моделига қараб 1-2 ишчи - соатни ташкил этади, “ЎзДЭУАвто” компанияси барча автомобиллари учун бу ишлар ҳажми 0,77 ишчи-соат миқдорида белгиланган.

Кафолатли техник хизмат кўрсатиш - автомобилларга автомобилсозлик компанияси томонидан бузилмасдан, соз ишлашига кафолат берилган давр ичида, юзага келган носозликларни автомобилсозлик компанияси ҳисобидан бартараф этиш бўйича бажариладиган ТХ ва таъмирлаш ишларидир. Автомобилни кафолатлаш муддати турли компаниялар томонидан турлича белгиланади. Бу муддат мавжуд ҳудуд автомобил бозоридаги рақобатга боғлиқ бўлиб, 1-3 йиллар оралиғида, маълум босиб ўтилган йўл ҳисобида белгиланади. Масалан, “ЎзДЭУАвто” компанияси ишлаб чиқараётган барча русумдаги автомобиллари учун кафолат муддатини 1 йил ёки 20 минг км миқдорида белгиланган. Кафолатланган муддат давомида автомобилга махсус кафолатли ТХ кўрсатилади ва зарур ҳолларда кафолатли таъмирлаш ишлари бажарилади. Кафолатли ТХ ишлари таркиби ва ҳажмини автомобилсозлик компанияси белгилайди. Кафолатли таъмирлаш ишлари эса ТХ кўрсатиш пайтида аниқланган ёки автомобилдан фойдаланиш жараёнида унинг агрегатлари, узеллари ва турли тизимларида содир бўлган носозликлар ва бузилишларни тузатишга қаратилгандир. Бу ишларнинг барчасини компанияларнинг махсус дилерлари бажаради.

Кафолат муддатида автомобилда бузилишлар, носозликлар содир бўлиб, уни тузатиш зарурати пайдо бўлган ҳолларда кафолатли таъмирлаш ишлари бажарилади. Бу давр давомида автомобилдан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Компанияларнинг кафолати сифатида тузатиладиган автомобиллардаги бузилишлар, носозликлар эътирозли ва эътирозсиз даъволарга бўлинади.

Эътирозли даъволарга деталларнинг бевақт синиши, ишдан чиқиши, агрегатлар, механизмларнинг носозланиши ва натижада, агрегатни автомобилдан чиқариб, қисмларга ажратиш ишларини бажариш ёки бузулган агрегат, узелни янгисига алмаштириш зарурати пайдо бўлган ҳоллар киради.

Эътирозсиз даъволарга эса алмаштирилиши осон ва майда деталларнинг нормаллар, электр сақлагичлар, лампочкалар ва ҳ.к. ишдан чиқиши кириб, улар ТХнинг баъзи ишларини бажариш жараёнида алмаштирилади. Кафолатли ТХ ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш автомобилсозлик компаниялари учун ўта муҳимдир. Чунки бунга катта маблағлар сарфлаш билан бир қаторда бу хизматни ташкил этиш савияси компанияларнинг ўз мижозлари наздидаги ишончилигини, обрў-мавқеини белгилайди.

Кафолатли хизмат кўрсатиш компаниялар томонидан ишлаб чиқилган махсус ҳужжат “Автомобилларга кафолатли хизмат кўрсатиш тўғрисидаги низом” асосида ташкил этилади. Ушбу ҳужжатда автомобилсоз компанияларининг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятлари, кафолатли хизматдан фойдаланиш тартиби, автомобиллар ва хизмат сифатига бўлган даъволарни кўриб чиқиш ва қониқтириш қоидалари келтирилади. Одатда кафолатли таъмирлаш ишлари ва алмаштирилган эҳтиёт қисмлар мижозлар учун бепул, компаниялар ҳисобидан бўлади. Айрим компаниялар мижозларни рағбатлантириш мақсадида кафолатли муддат даврида баъзи ТХ ишларини бепул бажаришлари мумкин, масалан, “УзДЭУАвто” компанияси ўзининг маҳсулоти бўлган барча русумдаги автомобилларга сервис дафтарчасида кўрсатилган биринчи ТХ ишлари (2500-3500 км йўл босганларига қадар) бепул бажарилишини жорий этган. Мижоз фақат сарф бўлган-материаллар (мой, филтър ва ҳ.к.) нархини тўлайди, ҳолос.

Эътирозли даъволарни қондириш махсус “Даъво қайдномаси”ни тўлдириш билан расмийлаштирилади ва у кафолатли хизматга масъул мутахассис томонидан тасдиқлангандан сўнг кафолатли таъмирлаш ишларини бажаришга асос бўлади. Эътирозсиз даъволарни қондиришда фақат “Кафолатли хизмат қайдномаси” расмийлаштирилади.

Компаниялар томонидан автомобиллар сифатига қўйилган кафолат муддатлари автомобилларнинг кафолатли таъмирлашда турган вақти ҳисобига узайтирилади. Агар агрегатлар алмаштирилса, уларга автомобилларнинг умумий кафолат муддатидан ташқари қўшимча кафолат муддати белгиланиши зарур.

Кафолатли хизматларни бажарувчилар, автомобилсоз компанияларнинг ўзларига қарашли дилерлар ёки компаниялар билан махсус шартномалар асосида ишловчи автосервис корхоналаридир.

Ҳозирги замон жаҳон автомобил транспортида автомобилларга ТХ кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг режали олдини олиш тизими қўлланиб келинмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, автомобилларда тўсатдан, кутилмаганда носозликлар, бузилишлар содир бўлиши ҳолларининг олдини олиш учун уларда маълум масофа йўл босганларидан сўнг илгаридан белгиланиб, режалаштирилиб қўйилган профилактик ишлар бажарилади. Чунончи, ювиш-тозалаш, назорат-қаров, диагностика, мойлаш, қотириш ва созлаш каби ишлардир. Бу ишлар ТХК ишлари гуруҳини ташкил этади. Иккинчи гуруҳ ишлари-ечиш, қисмларга ажратиш ва йиғиш, созлаш, ростлаш, ишдан чиққан детал ва қисмларни алмаштириш, ёки ишлаш қобилиятини тиклашдир.

Бу ишлар таъмирлаш ишлари деб аталади ва уларга зарурат туғилганда ёки талаб этилганда бажарилади. Шунингдек, айрим таъмирлаш ишлари, айниқса хавфсизликни таъминловчи қисмлар ва тизимларда, автомобил ТХ га кирган пайтда ТХ ишларига қўшилиб ўтказилади ва профилактик таъмирлаш деб аталади.

АС корхоналарида автомобилларга ТХКваЖТ жараёнларида махсус (ювиш машиналари, диагностика асбоблари, технологик жиҳозлар, бўяш аппаратлари, кўтаргичлар ва ҳ.к.), ностандарт жиҳозлар (токчалар, дастгоҳлар, аравачалар ва ҳ.к.) ва

хаммабоп (металл қирқувчи, ёғочга ишлов берувчи, пресслар, кран-балькалар, пайвандлаш трансформаторлари ва ҳ.к.) жиҳозлар ишлатилади.

Корхоналардаги ишчи постлари сони ва ихтисослашганлигига қараб махсус ишлаб чиқилган технологик жиҳозлар ва махсус асбоблар табелига асосан жиҳозланади. Табелда станциянинг қувватига қараб ҳар бир керакли технологик жиҳознинг номи ва сони кўрсатилади.

Автосервис корхоналарида ишлатиладиган технологик жиҳозлар ўзининг қўлланилиши бўйича кўтариш-қўриш, кўтариш-ташиш автомобилларга ТХКваЖТ учун махсулаштирилган туркумларга бўлинади.

Сервис дафтарчалари. Енгил автомобиллар учун автомобилсозлик компаниялари ТХ ишларининг номи, ҳажми ва даврийлиги (яъни режимини) махсус сервис дафтарчаларида (СД) келтиради. СДлари автомобилни сотиб олишда ҳар бир мижозга тақдим этилади. СД ларида автомобиллардан фойдаланиш бошланишидан бошлаб унинг камида 5-6 йил давомидаги босиб ўтадиган йўлида бажарилиши мўжжалланган ТХ ишларининг номлари келтирилади. ТХ ларнинг даврийлиги ва ҳар бир ТХ да бажариладиган ишлар СДнинг талонларида келтирилади. Масалан, “ЎЗДЭУ авто” компанияси автомобиллари СД сотиш олди ва 24 та талонларни ўз ичига олади ва 242,5 минг км босадиган йўлга мўжжалланган. 1-сонли талон билан бажариладиган ишлар автомобилнинг 2,5-3,5 минг км йўл босгандан сўнг, 2-сонли талон ва барча кейингилари ҳар бир 10 минг км йўл босилгандан сўнг бажарилади. Ҳар бир талонга тегишли хизматдан ўтилганда талонга хизмат ўтилган вақти ва босилган йўл ёзиб қўйилади.

СД га биноан ТХ кўрсатиш аҳоли автомобиллари учун хизмат кўрсатишнинг қулай шакли бўлиб, у автомобилларни конструктив ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни аниқ белгилаб беради.

Шунингдек, СД қўллаш автомобиллар эгаларининг белгиланган ТХ тартибларига риоя этишларига ёрдамлашади.

Юк автомобиллари ва автобуслар учун эса махсус “Техник хизмат кўрсатиш учун қўлланмалар” тайёрланади. Уларда ҳам худди СДлари каби ТХ ишларининг тартиблари, номлари ва даврийликлари келтирилади. Масалан, “Мерседес-Бенц” компанияси 0-405 русумли шаҳар автобуслари учун 1 млн км босилган йўлга мўжжалланган ТХ лар, бажариладиган ишлар ва уларнинг даврийлиги келтирилади. Биринчи ТХ 2000 км йўл босганидан сўнг, сўнгга ҳар 15 минг км дан кейин ТХ ишлари бажарилади. Албатта, бу келтирилган меъёрлар Ўзбекистон шароити учунгинадир. Автомобиллар ишлаш шароитларига қараб ТХ ишларининг ҳажми ва даврийликлари кенг миқёсда ўзгартирилади.

"Ўз ДЭУ КО" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган "Nexia", "Damas" ва бошқа турдаги автомобилларига ТХКваТ технологик жараёнларини ташкил этиш учун "Ўзбекстон Республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисида Низом" (НИЗОМ) ишлаб чиқилган бўлиб, у асосий ҳужжат ҳисобланади. Низомга асосан ушбу автомобилларга бажариладиган ишларнинг тури ва даврийлиги бўйича қуйидаги техник хизмат турлари бажарилади:

- кундалик техник хизмат кўрсатиш(КТХК);
- 500-1000 км масофа юргандан сўнг, янги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- даврий техник хизмат кўрсатиш (ТХК);
- мавсумий техник хизмат кўрсатиш(МХК).

КТХКда автомобилларнинг ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган, ҳамда тозалаш-ювиш, ёнилғи қуйиш каби ишлар бажарилади. КТХК ишлари автомобилларнинг ишга чиқишидан аввал ёки ишдан қайтгандан сўнг бажарилади.

Автомобилларга қиска муддатдан сўнг (500-1000 км) ТХК, бирикмалар, узел ва агрегатларни узлуксиз, ишончли ишлашини таъминлаш учун қотириш ва созлаш ишларини ўтказишдан иборат.

Даврий ТХК ишлари ҳар 10000 км масофа юрилгандан сўнг ўтказилиб, унда СДда белгиланган ҳажмида ишлар бажарилади.

[illegible]

мой										
Илашиш муфтаси гидроузатмасидаги ишчи суюқлик	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Тормоз ва илашиш муфтаси педалининг эркин йўли	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Кузов асосидаги ва шассидаги резбали бирикмаларни маҳкамлаш	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Шинанинг ва ундаги ҳаво босимининг ҳолати	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Рул чамбараги ва рул узатмаси	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Рул гидрокучайтиргичининг найчалари ва ишчи суюқлик	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Ярим ўқларни ғилофлари	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н
Хавфсизлик тасмаси, кулфлар ва кузовга ўрнатилган узеллар		Н		Н		Н		Н		Н
Кулфлар, ошиқ-мошиқ ва капот илгаги	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н	Н

Белгилари:

Н-назорат қилиш, зарур бўлса тозалаш, маҳкамлаш, мойлаш (меъёригача куйиш) аниқланган носозликларни бартараф этиш, ҳамда ишдан чиккан деталларни алмаштириш ва ростлаш ишларини бажариш.

А-ишга яроқсиз деталларни алмаштириш.

(1)-чанг тўзонли оби-ҳаво шароитида ТХК ўтказиб турилиши лозим.

(2)-агар автомобилдан оғир шароитда, қисқа масофаларда тўхтатиб-юрғизиб узлуксиз салт ишлатиб, паст тезликда юрғизиб ва тез-тез тўхтатиб фойдаланилганда, навбатдаги ТХК лар сони камаяди.

(3)-ҳар йили босиб ўтадиган масофа 40 минг км бўлса, алмаштиришнинг даврийлиги 2-йилда бир марта.

(4)-ҳар йилги босиб ўтиладиган масофа 40 минг км бўлса, алмаштиришнинг даврийлиги бир йилда бир мартадан.

Ишлаб чиқариш жойларининг ҳар бири қуйидагича ихтисослашган бўлади:

- техник хизмат ва майда таъмирлаш постлари;


Ишлаб-чиқаришни ташкил этилишининг технологияси, яъни барча ишлар бажарилишининг кетма-кетлиги, тартиби ишлаб чиқилар экан, бу технология, яъни технологик жараён рационал, энг мақсадга мувофиқ бўлиши керак.

- махсус диагностика участкаси;
- таъмирлаш ва агрегатларни алмаштириш постлари;
- агрегат ва деталларни таъмирловчи устахоналар.

Агрегат ва деталларни таъмирловчи устахоналарнинг сони автосервис корхонасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Мақсадга мувофиқ (рационал) технологик жараён эса қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- содда ва қулай бўлиши;
- ҳаммабон ва универсаллиги;
- ишларни якунлашга имкон бериши;



5.2-расм. АТХКСларида автосервис хизматини ташкил қилишнинг технологик жараёни.

- > - автомобиллар ҳаракатининг асосий йўналиши;
 - - - -> - автомобиллар ҳаракатининг баъзи ҳоллардаги йўналиши;
> - таъмирланадиган агрегатлар ва деталлар йўналиши;

-хавфсизлиги;

-механизация ва автоматизация воситаларини кенг қўллашга имкон беришидир.

Ҳаммабоп (универсал) технология дейилганда, уни кўп маротаба, бошқа жойларда ҳам қўллаш имконияти мавжудлиги ва турли моделдаги автомобилларга хизмат кўрсатишда қўллаш мумкинлиги тушунилади.

Технологиянинг яқунловчанлиги эса, автомобил ҳар бир участкадан ўтган пайтда шу участкада мўлжалланган барча ишлар тўла бажарилиши зарурлигини билдиради.

Албатта, мақсадга мувофиқ (рационал) технология қўлланилганда меҳнат унуми ва сифати юқори бўлишлиги зарур ва шарт. Автосервис хизмати кўрсатувчи йирик компаниялар, фирмалар томонидан ўзларининг автомарказлари, АТХКСлари ва дилер станциялари учун ишлаб-чиқариш жараёнларини ташкил қилишнинг турли вариантларини ишлаб чиққилган ва қўлланган.

5.3. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш тартиби ва қоидалари


Автомобилларни хизматга қабул қилиш автомобил унинг агрегатлари, узеллари ва тизимларининг техник ҳолатини аниқлаш бажариладиган ишлар ҳажмини ва муддатини

белгилаш, шунингдек, зарур ҳужжатларни тўлдириш, мижозлар билан муомала қилиш каби фаолиятдир. Шунингдек, қабул қилиш жараёнида сарф бўладиган эҳтиёт қисмлар, материаллар миқдори ва тахминий ҳақи ҳам келишиб олинади. Албатта, автомобилларни хизматга қабул қилиш ҳам корхона ёки соҳа раҳбарияти томонидан тасдиқланган махсус қоидалар асосида амалга оширилади. Автомобил эгаси - мижоз билан келишилган ҳолда ва унинг иштирокида автомобиль тўла кўздан кечирилиб чиқилади, унинг умумий техник ҳолати, айниқса ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тизимларига катта эътибор берган ҳолда аниқланади (5.3-расм).

Қабул қилиш пайтида автомобилдаги барча носозликлар сабабини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда у диагностика постларига юборилади ва махсус стендлар, ўлчов-назорат асбоблари ёрдамида унинг техник ҳолати аниқланади.

Автомобилларни кўрикдан ўтказиш ва хизматга қабул қилиш давомида унинг бутлиги ва техник ҳолатига махсус талаблар қўйилади. Албатта, автомобилнинг маркаси ва русуми унинг техник паспортига мос бўлиши, агрегатлари ва барча қисмлари завод маҳсулоти бўлиши шарт, ясама деталлар қўйилган ва конструкцияларга ўзгартиришлар киритилган ҳолда автомобиль хизматга қабул қилинмайди.

Кўпчилик автомарказларда ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларида автомобилни хизматга қабул қилиш уни ташқи ва остки томондан ювиш, мотор бўлинмасини шланг ёрдамида ювиш, салонни тозалаш ва қуритиб артишдан бошланади.



5.3-расм. Автомобилларни қабул қилиш ва эгасига топширилиш жойи.

Бу ишлар кўпчилик ҳолларда автоматик режимда ишловчи ювиш-қуритиш комплекслари ёрдамида бажарилади. Автомобилларни қабул қилиш учун ишлаб чиқариш биносининг кираверишида махсус жой ажратилади ва жиҳозланади. Автомобилнинг остки қисмларини кўриб, назорат қилиб чиқиш учун участкага тўрт тиргакли кўтаргичлар ёки эстакадалар ўрнатилади, айрим ҳолларда қаров чуқурларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Қабул қилувчи мутахассис тўла комплект чилангарлик асбоблари ва айрим енгил диагностик приборлар, масалан, газоанализатор, люфт ўлчагич, аккумуляторлар зарядини текширувчи учи айри асбоб ва ҳ.к.лар, билан таъминланади.

Ҳажми ва қиймати ўзгармас бўлган ишлар, масалан, ювиш, тозалаш, автоматик диагностика, мой алмаштириш, ва ҳ.к. ишларни бажариш учун автомобилларни қабул қилиш бирмунча осон.

Бунинг учун автомобиль эгаси буюртмалар столидан чипта олади ва хизматга ўтаверади. Автомобилни назорат қилгандан ва унинг ҳолати аниқлангандан сўнг автомобиль эгаси билан келишилган ҳолда бажариладиган ишларга буюртма тўлдирилади ва хизмат нархи белгиланади. Бунда қайси ишлар бажарилишини танлаш ҳуқуқи мижоз томонида бўлади. Хизмат нархи махсус нархномалар (прейскурантлар) асосида қўйилади.

Шунингдек, сарф бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳақида мижоз билан келишилиб буюртма ёзилади, булар учун алоҳида ҳақ тўланади.

Шунингдек, хизмат кўрсатишда автомобил эгаси, мижоз келтирган эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳам ишлатилиши мумкин, фақат улар техник талабларга жавоб бериши шарт.

Автомобил қабул қилингандан сўнг ишчи постларига қўйилади ёки махсус кутиш жойларига ўтказилади. Қабул қилиш вақти ўртача 20-30 дақиқани ташкил этади. Барча зарур ишлар бажариб бўлингандан сўнг автомобил эгасига топшириш учун яна қабул қилинган участкасига келтирилади ва махсус техник назоратдан ўтказилади. Буюртмада кўрсатилган барча ишларнинг бажарилганлиги, уларнинг сифати, автомобилнинг умумий ҳолати ва бутлиги яна бир карра техник назоратдан ўтказилиб, эгасига тақдим этилади ёки тайёр автомобиллар қаторига қўйилади. Автомобилни қабул қилиб олганлик тўғрисида унинг эгаси буюртмага имзо чекади ва хизмат ҳақи тўлангангач, автомобилни олиб кетади. Автомобилни топшириш вақтида агар унинг эгаси буюртмадаги ишларни бажаришдан қониқиш ҳосил қилмаса, унинг ҳақли эътирозлари қондирилади.

Одатда АТХКСларда қабул қилиш ва эгасига топшириш постлари бирлаштирилиб, бир жойда ташкил этилади ва қабул қилиб олган мутахассис ходимнинг айнан ўзи автомобилни яна эгасига топширади.

Назорати саволлари:

1. Автосервис ишлаб чиқаришининг асосий вазифалари.
2. Сотиш олди техник хизматини ташкил қилиш.
3. Кафолатли техник хизмат кўрсатиш.
4. Сервис дафтарчаси орқали хизмат кўрсатиш.
5. АТХКСларида автосервис хизматини ташкил қилишнинг технологик жараёни.
6. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш.

АДАБИЁТЛАР:

1. . Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Проф. Кузнецов Е.С. таҳрири остида (Магдиев Ш.П. таржимаси), Тошкент, ТАЙИ, 2003 й – 213б.
2. Карташов В.П. Развитие производственно-технической базы автотранспортных предприятий. М.: «Транспорт», 1991, - 151с.
3. Крамеринко Г.В, Барашков И.В. Автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш. Тошкент. 1998 й.
4. Напольский Г.М. "Технологическое проектирование АТП и СТО", Учебник для вузов. - М., Транспорт, 1993 г.-232 с.
5. Напольский Г.М., Пугин А.В. Автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш. Ўқув қўлланма. (Мусахонов М.З., Мўминхонов Н.М. таржимаси). Тошкент, ТАЙИ, 2004, - 87 б.